# “Ўзкимёсаноат” АЖда Техник қўмитанинг 4-йиғилиши бўлиб ўтди

// 23 yanvar 2024 йил
https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azhda-tehnik-qumitaning-4-yigilishi-bulib-utdi




“Ўзкимёсаноат” АЖда Техник қўмитанинг 4-йиғилиши бўлиб ўтди

Йиғилишда “Ўзкимёсаноат” АЖ тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш ҳамда техник ривожлантириш, стандартлаштириш бўйича мутахассислари иштирок этишди.

Унда  кимё соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга оид норматив-ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда янги технологиялар асосида тартибга солувчи стандарт ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг аҳамияти ҳақида сўз борди.  Шунингдек,




Тармоқ корхоналари фаолиятида фойдаланилаётган давлатлараро ГОСТ стандартларининг актуаллигини сақлаб қолиш;

Тармоқ корхоналари томонидан бир турдаги маҳсулотларга бўлган стандартларнинг техник талаблари ва назорат усуллари юзасидан консенсусга эришиш;

2024-2025 йилларда ишлаб чиқилиши режалаштирилган норматив-техник ҳужжатларни келишиш ва Ўзбекистон стандартларига юбориш;

Ички (цехлар ўртасида хомашё сифатида етказиб бериладиган ташкилот стандартларини) корхонанинг ички ҳужжати сифатида амалда қолдириш каби кўплаб муҳим масалалар кўриб чиқилди.




"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати